

## TERMINLARNING USLUBIY XOSLANISHI

Eliyor Rajabov

Qarshi xalqaro universiteti assistenti o'qituvchisi

[elyorrajabov67@gmail.com](mailto:elyorrajabov67@gmail.com)

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada terminlarning uslubiy xoslanishi, ya'ni ular qanday uslub doiralarida qo'llanishi va tilning funksional uslublarida qanday semantik o'zgarishlarga uchrashi yoritilgan. Xususan, neytral leksika bilan uslubiy bo'yozqqa ega leksika o'rtasidagi farq, ularning turli so'z turkumlaridagi ifodasi misollar bilan izohlanadi. Shuningdek, ba'zi terminlarning uslublararo neytrallashuvi yoki badiiy matnda ekspressiv vosita sifatida ishlatalishi ham poetik misollar orqali olib berilgan.

**Kalit so'zlar:** termin, uslubiy xoslanish, neytral leksika, ekspressivlik, funksional uslub, badiiy til, metafora, sema, emosional leksika

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются стилистические особенности терминов в узбекском языке. Выделяются нейтральные и экспрессивные лексемы, а также анализируются особенности употребления терминов в разных функциональных стилях. Особое внимание удалено лексике, использующейся в научной, разговорной и художественной речи. Примеры из поэзии иллюстрируют, как термины могут приобретать метафорическое значение и экспрессивную окраску в художественном тексте.

**Ключевые слова:** термин, стилистическая маркированность, нейтральная лексика, экспрессивность, функциональные стили, художественный стиль, метафора, эмоции, сема

**Annotation:** This article explores the stylistic adaptation of terms in the Uzbek language, focusing on how certain lexemes function across various speech styles. The paper distinguishes between neutral and emotionally-expressive vocabulary, offering

linguistic and stylistic analysis of terms used in scientific, colloquial, and literary contexts. It also highlights how some originally neutral or scientific terms can gain metaphorical and poetic expressiveness when used in literary texts.

**Keywords:** term, stylistic marking, neutral vocabulary, expressiveness, functional style, literary language, metaphor, emotion, semantic value

Таъкидлаш жоизки, тилимизда мавжуд айрим сўзлар муайян услуб доирасида қўлланилади ва услубий хосланган ҳисобланади. Бошқалари эса барча услублар учун бирдек қўлланилиб, услубий жиҳатдан беқарор саналади ҳамда бундай сўзлар ўзбек тили луғат таркибининг асосини ташкил этади. Нейтрал лексикага оид сўзлар нарса-предметларнинг номини, ҳодисаларни, мавхум тушунчаларни, ҳолат, ҳаракат, белги, хусусият, шахслар номларини ифодалаб келиши мумкин: *китоб, стол, чироқ, туши, шамол, бўрон, дўстлик, яхшилик, тез, бемалол, кетмоқ, ишонмоқ, чиройли, сариқ, ишонарли, инсон, душман, талаба* ва шу каби сўзлар.

Услублараро лексикага оид сўзлар – нейтрал сўзлар ҳеч қандай ҳис-ҳаяжонга эга бўлмаган, бўёқдорликдан ҳоли бўлган сўзлар ҳисобланади. Шундай бўлса-да, ушбу лексикага оид сўзларда ҳам тасвирийлик, ифодалилик қаби хусусиятлар мавжуддир. Барча услубларда қўлланилувчи нейтрал лексика турли хил сўз туркumlарида бўлиши мумкин. Қуйида сўз туркumlари бўйича мисоллар келтирамиз:

От туркумига оид нейтрал сўзлар: *яхшилик, дафтар, ёшлиқ, сув, қувонч, фарзанд, уй, ҳаракат, киши, гам, дарахт, қўл, овқат, кумуш, кўча, машина, осмон, дўст, пиёла, барг, девор, қоғоз, зирақ, кўйлак, сумка, гилам, эшик, телефон, ҳалқ, бино, сурат, чироқ, туфли, қулоқ, кўзойнак* ва шу каби нарса-предметлар, мавхум тушунчалар, шахсларни англатувчи сўзлар.

Сифат сўз туркумига оид нейтрал лексика: *ёруғ, мустаҳкам, арzon, қиммат, бадавлат, қадимий, қизил, қора, мазали, эски, хунук, оппоқ, паст, қисқа, узун, басавлат* ва шу каби белги англатувчи сўзлар.

Феъл туркумiga мансуб сўзлар: *кўрмоқ, туширмоқ, уришмоқ, сўзламоқ, тўкилмоқ, бузмоқ, безамоқ, шодланмоқ, кўрсатмоқ, қазимоқ, аниқламоқ, ушламоқ, англамоқ, тақиллатмоқ, боғламоқ, қўлламоқ, ёмон кўрмоқ, чиқармоқ, экмоқ, ииғламоқ, буюрмоқ* шунга ўхшаш феълларнинг кўпчилик қисми нейтрал лексикага мисол бўла олади.

Сон сўз туркумiga киравчи сонлар: *тўрт, саккиз, ўн икки, иигирма, эллик, юз, миллион* ва шу каби барча сонлар. Сонларнинг барчаси нейтрал сўзлар ҳисобланиб, уларда баҳо семаси мавжуд эмас.

Олмош туркумiga оид сўзлар: *қайси, бари, аллаким, ҳамма, ҳеч нима, ўзи, қайсидир, у, шу, бу, ўша, манави, қанақа, ҳеч қайси* каби олмошларнинг ҳам барча турлари нейтрал ҳисобланади. Уларда ижобийлик ёки салбийлик оттенкаси мавжуд бўлмайди.

Равиш сўз туркумiga оид нейтрал лексика: *секин, иложисизликдан, бугун, эртага, кеча, азза-базза, атайлаб, тўсатдан, атайин* каби сўзлар.

Кўмакчилар: *орқали, учун, билан, каби, сингари, сари;*

Юкламалар: *-чи, нақ, гўё, худди;*

Боғловчилар: *ё, ёки, шу сабабли, ҳамда, баъзан ... баъзан, негаки, яъни, чунки, мабодо, агарда* ва б.

Юқоридаги мисолларда кўриб ўтганимиздек, мустақил сўз туркумлари ва ёрдамчи сўзларнинг кўпчилик қисми баҳо семасига эга бўлмаган нейтрал лексикани ташкил қиласи. Ундов сўзлар эса нейтрал лексикадан фарқли ўлароқ соф эмоционал лексикани, яъни ҳис-ҳаяжон ифодаловчи лексик қатламни ташкил қиласи. Ундов сўзларнинг барчаси эмоция ифодалайди. Уларнинг ҳар бирида бирор бир ҳис-ҳаяжон мазмунини ифодаловчи маъно мавжуд бўлади, шунинг учун ҳам уларни бемалол соф эмоция англатувчи лексикага киритиш мумкин.

Демак, нейтрал лексикага мансуб сўзлар нутқнинг барча услубларида бемалол қўллана олувчи сўзлар ҳисобланади. Бу сўзлар шу тилда сўзлашувчи барча кишиларга тушунарли бўлиб, услублараро қўлланадиган сўз ҳисобланади.

Бу сўзлардан фарқли ўлароқ яна шундай қатлам ҳам борки, улар нейтрал лексикадан фарқ қилиб, айрим услубларгагина хос ҳамда турли ҳис-ҳаяжонга эга лексемалар. Баҳо семасини қабул қилиб, эмоционал-экспрессив лексикага хосланган сўзлар эса эмоционал сўзлар ҳисобланади.

Тил лексик тизимининг эмоционал-экспрессив нуқтаи назаридан тасниф қиласар эканмиз, биз сўзларнинг соғ эмоция англатувчи сўзлар (ундов сўзлар) ва эмоционалликка эга бўлган лексика( ижобий ёки салбий баҳога эга бўлган ҳис-ҳаяжон билдирувчи сўзлар)га ажратишими мумкин. Ундов сўзлар табиий равиша ҳис-ҳаяжон ифода этади. Улар учун зидланувчи бошқа восита бўлмайди. Лекин шундай сўзлар ҳам борки, улар нейтрал сўзларга зидланиб салбийлик ёки ижобийлик маъноларини билдиради. Бундай сўзларда дастлаб ҳеч қандай баҳо семаси мавжуд бўлмайди ва у нейтрал – ўрта ҳолатда бўлади. Бу сўзни сўзловчи жонли нутқ жараёнида ижобий ёки салбий ҳолатда қўллайди ва бу сўз эмоционалликка эга бўлган лексикага хос бўлади.

Хусусан, қўлланиши маълум услуб билан чегараланган, эмоционал-экспрессив бўёқса эга бўлмаган, ўзида баҳо семасини ифода этмайдиган лексик системага мансуб терминлар ҳам услугбий жиҳатдан таҳлил этилганда шу нарса маълум бўладики, бу ҳолат терминларда ҳам кузатилади. Яъни айрим терминлар фақат илмий услугб доирасидагина қўлланилса (*холангит, синдром, перитонит, гемодиализ*), яна айримлари эса услугбий жиҳатдан нейтраллашиб, барча учун тушунарли ҳолга келиб ҳалқ тилида ўринлашиб қолади. Масалан, химия соҳасида қўлланувчи *сув, туз, кумуши, кислород, мис, оҳак, симоб атамалари;* тиббиётнинг фармоцевтика соҳасига оид дори номлари *анальгин, аспирин, йод, спирт* каби атамалар ҳалқ орасида кенг қўлланади. Ҳатто шифокор тавсиясиз ҳам кишилар ушбу дори воситаларини бемалол истеъмол қиласидилар. Чунки бу дорилар ҳаммага таниш. Агар номи кам қўлланган дори воситалари бўлса, албатта, шифокор маслаҳати билан истеъмол қилинади. Негаки унинг салбий, ножӯя таъсири назарда тутилади. Яна шундай терминлар ҳам борки, улар ўзида эмоционллик-экспрессивлик ва баҳо семаларини ташийди.

Бу каби терминлар бадий услугда қўлланилиб ўзида услугий бўёқни ифодалаш учун ихтисослашган бўлади. Масалан,

*Зафар майин тўла пиёла*

*Ичиб қўкрак кермоқ истайман.*

*Мен сизларга*

*ингичка тола*

*Ипак шеърлар бермоқ истайман.*(Э.Воҳ.)

Келтирилган шеърий парчада *ипак*, *ингичка тола* атамалари матнда кўчма маънода, яъни метафорик-ўхшатиш сифатида қўлланган бўлиб, услугий бўёққа эга бўлиб, эмоционал-экспрессивлик ифодалаяпти.

Ma'lumki, kishilar o'z faoliyatlarining barcha sohalarida til vositalaridan foydalanishda bir-biridan ma'lum darajada farq qiladilar. Umumxalq tili doirasida til vositalaridan bunday foydalanish natijasida nutqning xilma-xil ko'rinishlarining paydo bo'lishiga olib keladi. Nutqning bu kabi ko'rinishlari nutq stillari ( uslublari) deb yuritiladi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Абдуллаева З. М. *Ўзбек тили услубияти*. — Тошкент: Фан, 1984.
2. Раҷабов Э. *Бадий матннинг лингвопоэтик таҳлили*. — Тошкент: Турон-Иқбол, 2022.
3. Қаюмова Г. *Ўзбек тилида услублараро лексика ва унинг таснифи*. — Тошкент, 2018.
4. Мамажонов Ҳ. *Лексикология ва стилистикадан назарий маълумотлар*. — Самарқанд, 2010.
5. Crystal, D. *The Cambridge Encyclopedia of the English Language*. — Cambridge University Press, 2003.
6. Vinogradov V.V. *The Style of Russian Language*. — Moscow: Nauka, 1971.
7. Lyons, J. *Semantics*. — Cambridge University Press, 1977.